*Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!*

# ХАБАР

خبر

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри**

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 30 октябрь № 42 (322) ● Сотувда нархи эркин**

# ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ — РАДИОЭФИР ТОЗАЛИГИ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли Электромагнит Мослашув Маркази — ЭМММ бугунги кунда энг долзарб вазифа — радиоэфир мусаффолигини таъминлаш соҳасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Маълумки, радиоалоқа, радиоэлектрон воситалар ҳаётимизда шундай чуқур ўрин эгалладики, буларсиз олға қараб ривожланишни тасаввур қилиш жуда қийин. Радиоэшиттириш, телевидение, радиоалоқа, радиотелефонлар эндиликда ҳар бир хонадонга кириб келди. Радиоалоқа воситасида Қуёш тизимидаги сайёраларнинг фотосуратлари бир неча миллиард километр масофадан қабул қилиб олинди. Миллиардлаб ёруғлик йили узоқликда турган галактикалар, квазар, пульсарлар ва бошқа осмон жисмларининг физикавий ҳамда кимёвий хусусиятлари радионурлар ёрдамида ўрганилмоқда.

Фараз қилинг, радиода ўзингиз ёқтирган хонанданинг қўшиғини эшитяпсиз ёки телеэкранда жозибали рақс томоша қиляпсиз дейлик ёки ҳаво кемасида носозлик рўй берди ва йўловчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун экипаж ердаги мутахассислар билан маслаҳатлашмоқда ёки радиоастроном мутахассис олим бирор юлдуз тизимидан келаётган радиосигналларни таҳлил қилмоқда. Тўсатдан шу радиочастотада халақит берувчи сигналлар — «радиохира»лар пайдо бўлди. Натижада қўшиқни эшитолмайсиз, рақс кўнглингизни хира қилади, авиация ҳалокати содир бўлиши мумкин. Радиоастроном эса буни ўзга сайёраликларнинг радиосигнали деб ўйлаб қаттиқ ҳаяжонланади. Демак, кимдир радиоэфирни бошқариб туриши керак. Ана шу вазифани Электромагнит Мослашув Маркази — ЭММM ва унинг вилоятлардаги бўлимлари бажармоқда.

Ҳар бир давлат учун радиочастоталар халқаро келишувга мувофиқ бўлиб берилади ва давлат бу радиочастоталарни ўз ҳудудида жойлашган ташкилот ва шахсларга тақсимлайди. Демак, радиочастоталар ҳар бир давлатнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Бойликдан эса тежаб-тергаб фойдаланиш керак. Радиочастоталар «кесиб» берилганда маълум бирлик — стандартга амал қилинади. Масалан оддий радиотелефон учун 10-20 килогерц нурланиш тасмаси етарли бўлса, телевизион радиотарқатгич учун 8 мегагерцли тасма лозим бўлади. Агар радиотарқатгич бирор сабабга кўра ўзига рухсат этилган тасмадан кенгроқ соҳада нурланса бу ҳолда у қўшни каналга кириб кетади ва боя эслатганимиздек «радиохира» ҳосил қилади. Бу айтганларимиздан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар бир радиоэлектрон воситасининг эгаси рухсат этилган нурланиш тасмаси соҳасидагина ишлаши керак.

Халақит берувчи радиосигналлар — «радиохира»лар ҳосил бўлмаслигининг асосий шартларидан бири рухсат этилиши лозим бўлган частотани тўғри танланишидир. Танлашнинг тўғрилиги — ишлаб турган барча радиостанциялар электромагнит майдони билан «мослашган»лигидан далолат беради. Ўз навбатида мослашиш янги радиостанция ўрнатиладиган жойнинг географик координатларига, рельефга, баландлигига ва қувватига боғлиқ. Масалан, ер шароитида ультра-қисқа тўлқинларда 50-100 километр масофада радиоалоқа ўрнатиш мумкин бўлса, 10000 метр баландликда учаётган ҳаво кемасида ўрнатилган радиостанция билан ўша тўлқинда минглаб километр масофада радиоалоқа ўрнатиш мумкин. Бу яхши албатта. Лекин ўша ҳаво кемаси шунча олис масофадан ҳам «радиохира»ларни қабул қила олади! Ана шуларни ҳаммасини ҳисобга олиб рухсат этилиши лозим бўлган частотани тўғри танлашда кўпдан-кўп ҳисоб ишлари бажарилади. Частота ажратаётган ходимларга биринчи навбатда республика ҳудудида, қўшни давлатларда ўрнатилган ва радионур тарқатаётган барча радиоэлектрон воситаларнинг аниқ рўйхати керак. Шу боис ҳозир биз республика радиоэлектрон воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш ишини амалга оширяпмиз.

«Радиохира»лар ҳосил қиладиган воситалардан бири — асосий частотанинг гармоникаларида нурланиш пайдо бўлишидир. Буни қандай тушунмоқ керак? Масалан, радиоэшиттиришлар олиб борадиган радиостанция ишлаши учун 6260 кгц. частота ажратилган бўлсин. Агар бу радиотарқатгич носоз ишласа иккинчи гармоника 12520 кгц. частотада ҳам нурланиш беради. 12520 кгц. частота эса халқаро келишувга мувофиқ кемалар ҳалокатига учраганда ёрдамга чақириш хабарларини бериш учун ажратилган. Шундан маълум бўладики гармоникаларда нурланувчи радиотарқатгичлар автоматик тарзда ноқонуний радиоэлектрон воситага айланади. Ноқонуний радиостанциялар ишлашига эса рухсат этилмайди.

«Радиохира» «ижодкор»ларининг маълум қисмини радиобезорилар ташкил қилади. Кўпчилигини ёшлар ташкил этувчи бу фуқароларимиз ҳеч қандай рухсатсиз, истаган радиочастотадан, мумкин қадар қувватлироқ радиотарқатгичлар воситасида радиоэфирни «буғлатишади». Албатта, ёшларнинг техник ижоди, радиоэлектроника билан шуғулланишлари бу керакли ва фойдали машғулот. Лекин бу фаолият фақат рухсат этилган частоталардагина амалга оширилиши керак. Ваҳоланки, халқаро келишувларга мувофиқ радиоҳаваскорлар учун радиотўлқинларнинг барча диапазонларида етарли тасмалар ажратилган. Биздан рухсатнома олиш учун Ватанпарвар ташкилотлари орқали 2-3 кўринишдаги ҳужжатлар топширилади. Айни пайтда радиоҳаваскорларга рухсатнома бериш жараёнини биз жуда соддалаштирдик. Радиоҳаваскорлик ва радиоспорт билан шуғулланиш учун бизда кенг йўл очилган, яна таъкидлаймизки фақат рухсат этилган частоталарда ишлаш лозим. ЭММM радионазорат ходимлари бу кўринишдаги «радиохира» ижодкорлари билан тушунтириш ишларини олиб боради, қидиради, топади ва ноқонуний радиостанцияларнинг фаолиятига чек қўяди.

Хуллас корхонамиз ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга астойдил интилишмоқда.

***Шуҳрат ЭШМУҲАМЕДОВ,***
***Электромагнит Мослашув Маркази бош мутахассиси***

## «ОВОЗЛИ ЛОЙИҲА» DАСТУРИ

Вена ва Будапешт шаҳарларида навбатдаги ўн бешинчи халқаро конгресс доирасида компьютер технологиясини ривожлантиришга бағишланган бир неча анжуман ва семинарлар уюштирилди. Ўзбекистондан борган мутахассислар эса «Телетичинг ва масофа орқали таълим» ҳамда «Муҳтож кишиларни компьютер орқали қўллаб-қувватлаш» номли анжуманларда иштирок этишди.

Интернет орқали компьютер тармоғига улаш жараёнлари амалда қўллаб кўрилди. Шунингдек, анжуманда «Овозли лойиҳа» компьютер дастури ишлаб чиқилиб, коммуникация илмий-тадқиқот марказларига тарқатилди.

Конгресс материаллари Ўзбекистонга ҳам олиб келинди. Улар билан республика Таълим марказининг дефектология бўлимида танишиш мумкин.

***Акбар АЛИЕВ***



*● Обуна-99*

## Азиз муштарийлар!

**«ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!**
**ОБУНА БАҲОСИ**
**(Каталог нархи)**

**Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227.**
**Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.**

## ● ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМА

«Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Асака почта шохобчаси жамоаси келгуси йил учун «ХАБАР» газетасига юз фоиз обуна бўлишди. Бошқа газета-журналларга ҳам обуна давом этмоқда.

***Асака почта шохобчаси директори А. АБДУРАҲМОНОВ»***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар**

***● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан, Туркия Республикаси ташкил топганининг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун шу йил 28—29 октябрь кунлари Туркияда бўлди.***

*● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 1998 йил 30—31 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.*

***● Юртимизда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик муборак тўйлари катта тантана билан нишонланди.***

*● Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал боксчилар орасида жаҳон чемпиони унвонини олиш учун мусобақа ўтказилди. Унда ҳамюртимиз Артур Григорьян иштирок этиб, еттинчи марта жаҳон чемпионлигини сақлаб қолди.*

***● Қозоқ халқи ўз миллий байрами — Мустақиллик кунини нишонлади.***

*● Кишинёвда Украина ва Молдова раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда қўшма сиёсий декларация имзоланди.*

***● Россияда олтин тангалар чиқариладиган бўлди. Молия вазирининг ўринбосари Герман Кузнецов ана шу ҳақда хабар қилди.***

*● Моника Левинская польшалик йигитга турмушга чиқди. Никоҳ маросимида келин-куёвнинг яқинларигина иштирок этишган. Моника ўзини бир неча ойдан буён қийнаб келаётган муаммони батамом ҳал қилиш ниятида турмуш ўртоғининг фамилиясини қабул қилди. Қизиғи шундаки, польшалик Моника Левинскаянинг америкалик Моника Левинскига ҳеч қандай алоқаси йўқ.*

# АСПИРАНТЛАР МАРКАЗИНИНГ РИВОЖИ

Шу кунларда институт қошидаги ТАСИС дастури ёрдамига кўра фаолият кўрсатаётган Падител дастурининг бир ярим йиллик иш натижаларига якун ясалди. Брюссельдан келган текширув комиссияси фаолиятимиздан мамнун бўлишди. Ҳозирги кунда бундай аспирантлар маркази институтлар таркибида ноёб бўлинма ҳисобланиб, унда техник адабиёт кутубхонаси, иккита компьютерли синф, аудио, видео, тил ўрганиш синфи, ксеротехника хонаси, дарсхоналар, тажрибахоналар, Интернет қурилмалари аспирантлар хизматидадир.

Ўтган давр ичида институт ўқитувчи ва аспирантларидан эллик иккитаси Бельгиянинг телекоммуникацияга оид ўқув юртлари, техник марказлари, Европадаги етакчи фирмалар тажрибахоналари ва алоқа корхоналарининг фаолияти билан танишиб қайтдилар. Натижада улар ўз малакаларини оширдилар, илмий ишларига оид ғоялардан баҳраманд бўлдилар ҳамда чет эл олимларининг фаолияти ва илмий ишлари билан яқиндан танишдилар.

Аспирантлар ва докторантларнинг инглиз тилидаги илмий асарлар тўплами (30 га яқин илмий мақола) янги йилгача чоп этиладиган бўлди. Телекоммуникацияга оид 500 бетли луғат ҳам чоп этилиши кўзда тутилмоқда. Келажакда икки томон аспирантлари ва илмий ходимлари биргаликда конференциялар, семинарлар ҳамда илмий мунозаралар олиб боришлари имконияти пайдо бўлади. Аспирантлар ишини якунлаш даврида Бельгиядаги олимлардан илмий маслаҳатлар оладилар, ўз илмий маърузаларини хорижлик олимлар муҳокамасига ҳавола этадилар ҳамда уларнинг танқид ва тақризлари билан танишадилар.

Кутубхона фонди ҳам кенгайиб бориши керак. Янги рақамли алоқа тизимлари ҳақидаги ахборотлар, асосан инглиз тилидаги техник адабиётлар ва рус тилидаги ярим реклама-ярим маълумотлар кўринишидаги техник ахборотнома ва китоблар сотиб олиниши керак. Кутубхонада видеомаърузалар, реклама материаллари, фирмаларнинг тақдимотига оид ҳужжатлар йиғилиши керак.

Марказдаги компьютерлар эса ўзаро маҳаллий алоқа тармоғи билан уланиши лозим. Улар орқали Интернет алоқа тармоғига чиқиб, чет эл мутахассислари ва олимлари билан бевосита мулоқотда бўлиш мумкин.

Чет эл сафарида юрган аспирантлар керакли адабиётлардан текин ксерокопия олиш имкониятига эга бўлиши шарт. Шунда улар етакчи олимларнинг мақолалари, илмий мавзуларга оид бой материал тўплашади.

Ўтган йили хорижий профессорлар бизда лекциялар ўқишганди. Энди уларнинг институтимизда буютма мавзуларда лекциялар ўқиши мўлжалланган. Аспирантларда эса тегишли мутахассисларни илмий маслаҳатлар ва муҳокамаларга таклиф этиш имкониятлари пайдо бўлаяпти.

Яқинда яна тўртта аспирант ва стажерлар Бельгияга, иккитаси эса Греция олий ўқув юртларининг телекоммуникация факультети тажрибахоналарида илмий малака орттириш учун боришади. Кейин уларнинг раҳбарлари аспирантларимиз ҳузурига бориб, шогирдларининг иш натижалари билан танишадилар ва малакаларини орттириб қайтадилар.

Бу фаолиятларнинг умумий натижалари институт илмий кенгашида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Институтимиз қошида ўтган беш йил мобайнида лекция ва семинарлар ўтказиб, аспирантлар марказини янги техника билан бойитиб келаётган профессор — Антверпен техника олий мактабининг домласи Люк Питерсни эса илмий кенгаш — институтимиз «Фахрий доктори» унвонига лойиқ деб топиб, унга тегишли диплом топшириш маросимини ўтказди. Фахрий доктор Л. Питерс келажакда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириб, қўшма илмий изланишлар олиб боришга мўлжалланган шартнома лойиҳасини муҳокамага қўйди, илмий кенгаш эса уни маъқуллади.

Шу кунларда аспирантлар марказининг хоналари таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Марказ раҳбари қилиб техника фанлари номзоди В. В. Резаев тасдиқланди.

Хуллас халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган алоқа соҳасида иқтидорли ёш мутахассислар ҳисобига аспирантлар сафи кенгайиб боради деган умиддамиз.

***Мажидулла ОРИПОВ,***
***Тошкент электротехника Алоқа институти проректори, профессор***

## МУКОФОТГА БУХОРО ГИЛАМИ

Ўтган йили Фарғона вилояти туманлари орасида обуна мавсумида Боғдод тумани юқори ўринни эгаллаганди. Бу йил ҳам туманда обуна уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Яқинда Боғдод тумани ҳокимлигида матбуот нашрларига обунанинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ҳозиргача туманда етти мингдан зиёд турли нашрларга обуна ўтказилди. Туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси бошқарув раиси Машрабжон Қурбоевга обуна ўтказишда жонбозлик кўрсатганлиги учун мукофотга Бухоро гиламини топширди. Туман пахта тозалаш заводи директори Собиржон Саматовга ҳам қимматбаҳо совғалар берилди.

Бугунги кунда туманнинг Муҳаббатхон Аҳмедова, Шерқўзи Аҳмадалиев, Маҳмудали Омонов етакчилигидаги Ультарма, Мирзаобод, Серова каби алоқа бўлими ходимлари обуна уюштиришда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

***Қаюмжон ТУРСУНОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Фарғона вилояти***

## АЛОҚАЧИЛАР ҲАШАРГА ЧИҚИШДИ

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туман почта алоқа корхонасининг ўттиз кишилик меҳнат жамоаси «Самарқанд» жамоа хўжалиги аъзолари билан ёнма-ён меҳнат қилиб, «оқ олтин» хирмонининг кун сайин юксалишига муносиб улуш қўшяпти. Кузги йиғим-терим мавсуми охиригача 50 тонналик барака хирмони тиклашга киришган алоқачи-ҳашарчилар ҳар куни 2-3 тоннадан пахта теришмоқда. Ҳашарчилар ўртасидаги беллашувда кунига 55-70 килограммдан пахта тераётган Худойқул Шукуров, Холтош Орзиева, Азим Бекмуродов, Зарифа Музаффарова, Ҳурмат Ҳайитова сингари алоқачи-ҳашарчилар пешқадамлик қилишяпти.

***Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Самарқанд вилояти***

## ЭЪЛОН

«Тошкент почтамти» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг навбатдаги йиғилиши 1998 йил 20 ноябрь куни соат 15.00 да жамиятнинг анжуманлар залида ўтказилади. Рўйхатга олиш соат 14.00 да бошланади.

***КУН ТАРТИБИ:***

1. Ҳиссадорлик жамиятининг тўққиз ойлик молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи.
2. Кузатув Кенгаши таркибини ўзгартириш.
3. Кузатув Кенгаши тасдиқлаган низомларни қабул қилиш.
4. Бошқа масалалар.

***Кузатув Кенгаши***



***Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида «Почта алоқаси ва телекоммуникацияда метрология» мавзуида ўқув анжуман-кенгаш бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари ўзаро тажриба алмашишди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Сиз суратда кўриб турганингиздек, анжуман давомида метрология соҳасига оид ўлчаш асбоблари ҳам намойиш қилинди.***

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонасининг бош директори А. Бекназаровга волидаи муҳтарамаси

**Ҳамида ЭГАМБЕРДИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси агентлик бош мутахассиси О. В. Кимга отаси

**Валентин Георгевич КИМнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон почтаси»давлат акционерлик компанияси жамоаси «Самарқанд почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг директори Аминжон Ғаффоровга волидаси

**Бону РЎЗИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маҳаллий Телеком» акционерлик компанияси жамоаси «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонасининг бош директори А. Бекназаровга онаси

**Ҳамида ЭГАМБЕРДИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Хоразм давлат электралоқа корхонаси жамоаси «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонасининг бош директори А. Бекназаровга онаси

**Ҳамида ЭГАМБЕРДИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

• Сўз ҳақида сўз

# МАЗ-МАЙРАМ

Буюк бир ўлка ва кичик бир туман маъноларидаги Туркистонда оддий халқ тилида ҳали-ҳануз фаол қўлланиладиган, лекин ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат хазинасига сиғмай қолган, тўғрироғи, Шўро тузуми даврида атайин сиғдирилмаган қадим туркий сўз-ўзаклардан яна бири «маз»дир. Бу ўзакнинг туб луғавий маъноларини тўғри тушуниш учун аввало мазкур ўзакка қурилган бир қатор сўзларнинг мағзини чақайлик.

Бундай сўзларнинг энг бирламчиси шак-шубҳасиз, «маза»дир. «Маза»нинг нима эканини етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир ўзбек беш қўлдек билади. Бу «лаззат», «ҳузур», «ҳаловат», «роҳат», «ором», «фароғат» каби сўзларга маънодош, уларнинг барчасидан кўҳна ва қурч, ифода қудрати чексиз қадим туркий сўздир. Масалан, «ҳузур» ва «ҳаловат» сўзлари замиридаги маънолар, нима десак экан, «тошдек қотиб қолган», лекин «маза» сўзидаги «з» товушини орттириб: «мазза» шаклида ҳам талаффуз этишимиз мумкинки, бу, энди, «жудаям маза», «мазаларнинг мазаси»дир. Яна шуниси ҳам борки, «маза» бошқа бир сўз — «жаза»нинг зидди, байналмилал атама билан айтганда, «антоними»дир. Эътиборингиз учун шуни ҳам айтиб ўтайликки, «жаза» (қадимий, асл шакли, «жазо» эмас, «жаза»!) ҳам кўҳна туркий сўзлардан бири бўлиб, унинг ўзаги «жаз»дир. Яъни, жазасини тортган одам баайни қозондаги ёғда қовурдоқ жазиллаб қовурилгандек таъзирини ейди, бошқача айтганда, «ўз ёғида ўзи қовурилади».

«Маз» ўзагидан ясалган сўзларнинг яна бири «мазах»дир. Бу сўз шундай ҳолатни аниқ-тиниқ ва мухтасар ифодалайдики, у мазах-калака қилаётган одам учун — маза, мазах-калака «ўқи»га нишон бўлаётган одам учун эса, жазадир. Ўзингиз инсоф билан холисанлилло айтинг: қаҳрамон адибимиз «Тоғдек оғир юкни елкага олиб, қушдек енгил бўлиб юради шоир» деб ёзганидек ҳар бир сўзи олам-жаҳон маънолар «юки»ни ортмоқлагани ҳолда кабутардек эркин ўйнаб-ўйноқлаб уча оладиган тил бу жаҳон айвонида Ўзбекистондан бошқа қайда бор?!

«Маз» ўзагига қурилган сўзларнинг навбатдагиси «мазахўрак»дир. Бу ўринда «маза» деган туркий сўз «хўрак» деган форсий сўзга қўшилиб, янада ажиброқ ва сермазмунроқ моҳият касб этади. Гўё туркий ва форсий тилнинг бутун илоҳий ифода қудрати шу биргина қўшма сўзда мужассамлашгандек бўлади. «Мазахўрак»нинг туб луғавий маъноси «хўраги мазали», бошқача айтганда, «емиши лаззатли» демакдир. Лекин сўз бу маъно билангина чекланиб қолмайди. У Аҳмад Яссавий ҳазратлари кўп қўллаган бир бирикма орқали айтганда, «тотлиғ-тотлиғ еганлар»нинг ёмон одати — баднафслиги, яъни, феъл-атвори, характер хусусиятларини ҳам ўзида мухтасар ифодалай олади.

Биз бу ўринда «маз» ўзагига қурилган атиги учтагина сўзнинг мағзини чақдик ва атоқли сўз санъаткоримиз Абдулла Қаҳҳор ташбеҳи билан айтганда «қази чайнагандек маза қилдик», шундай эмасми? «Маз» деб аталувчи «она сўз»дан ўсиб-унган «мазали», «маза-матра», «бемаза» ва ҳоказо сўзларимизни-ку, қўяверасиз. Бу сўзларнинг маъно товланишларини шарҳлашни беқиёс даражада гўзал ва ширали тилимизнинг «маза»сини татиб кўришни истаган бошқа иштиёқмандларга қолдирдик.

Ана энди ўзбекнинг ўзидек мустаҳкам ва «илиги тўқ» ўзак — «маз»га келайлик. Хўш, «маз» нима? Юқоридаги таҳлилларданоқ англашилиб турибдики, бу шодланаётган, хурсанд бўлаётган, қувонаётган, севинчдан ўз терисига сиғмай кетаётган одамнинг руҳий ҳолатини энг қисқа, лўнда ва аниқ шаклда ифодаловчи қадим туркий сўздир. Мазкур сўзнинг ифода қудрати шу қадар чексизки, у, дейлик бошқа бир қадим туркий сўз — «майрам» билан қўшилиб, «маз-майрам» деган жуфт сўзни ҳосил қилади. Худди «мазза» — «мазаларнинг мазаси» бўлганидек, «маз-майрам» бу «шодларнинг шоди», «хушвақтларнинг хуш вақти», «бахтиёрларнинг энг бахтиёри» демакдир. Зеро, «майрам» сўзи «байрам» билан ёндош қадим туркий сўз бўлиб, у одам боласининг байрам чоғидаги хушнуд ҳолати, кўтаринки кайфиятини аниқ-тиниқ ва гўзал ифодалайди. Дейлик, Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, Ҳайит байрами каби умумхалқ байрамлари чоғида ҳар бир ўзбек шундай маз-майрам бўладики, шодумонликнинг бундан кучлироқ «тури»ни ақлга сиғдириш амримаҳолдир.

Модомики «маз» ўзагининг мағзини «майрам» ўзагига қўшиб чақаётган эканмиз, ўрни келганда бир ажиб ҳолни ҳам айтиб ўтишни истар эдик. Эътиборингиз учун, халқимизда ўғил болаларга «Бахтиёр», «Дилшод», «Хушвақт» каби исмлар қанчалик кўп қўйилса, қиз болаларга ҳам «Саодат», «Бахтигул» каби исмлар қаторида «Майрам» исми ҳам шунчалик кўп қўйилган. Масалан, яқиндагина «Ўзбекистон овози» газетасида (шу йилнинг 15 октябрь сонида) сурати чоп этилган «Юз билан юзлашганлар»дан бири иштихонлик мўътабар онахонимиз Ўролова Майрамдир. Ёхуд, атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг турмуш ўртоқлари, кеннойимиз Марям опанинг асл туркистонча исмлари ҳам «Марям» эмас, «Майрам»дир. Сирасини айтганда «Майрам ва Марям» сўзлари, агар «й» билан «р» товушларини ўрни алмашганини айтмасангиз, аслида, моҳиятан олиб қараганда, бир маънони ифодаловчи биргина сўздир. Зотан, бу оламда Ийсо алайҳиссаломдек масиҳ фарзанднинг волидаи мукаррамалари бўлмиш Биби Марямдан ҳам майрамроқ яъни бахтиёррoқ ким бор?! Буюк Чўлпонимизнинг «Кеча ва кундуз» романидаги Мирёқуб иславотхонада ғамга ботган ана ўша Биби Марям (Мария Степановна Астрова)ни озодликка олиб чиқиб, уни аслига — майрамлигига, шод-хуррамлигига қайтаради-да!..

Ўйлайманки, она тилимизнинг беқиёс жозибаси, беназир ифода қудрати ва жаҳонда бебаҳо — Ўзбекистон олтинидек энг соф тиллога тенг тил эканлиги шу биргина жуфт сўз — «маз-майрам»даёқ қатрада акс этган қуёшдек аён кўриниб турибди. Бу бебаҳо тилни муносиб қадрлаш ва жаҳоний мавқеларга қайта юксалтиришнинг ўзи ҳам оламдаги энг улуғ бахт яъни, маз-майрамликдир.

**ОТАУЛИ**

*Имом ал-Бухорий*

# ҲАДИСЛАР

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам: «Одам қиладирган гуноҳи азимлардан бири — ота-онасини ҳақорат қилмоқдир» дедилар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин?! — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур», — деб жавоб қилдилар».

* * *

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам: «Кимки ризқим бутун, умрим узун бўлсин деса, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлсин!» — деганлар».

* * *

Абу Ҳурайра бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам: «Эй муслима аёллар гарчи ўртангизда бир қўйни талашиб қолган бўлсангиз ҳам, ҳаргиз қўшнини қўшнига ёмонламангиз!» — деб айтдилар».

* * *

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам: «Мўмин мўмин учун бир-бирини суяб турган икки бино янглиғ деб бармоқларини чалиштириб кўрсатдилар».

* * *

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Ё Расулуллоҳ менинг икки қўшним бор, уларнинг қайси бирига туҳфалар киргизиб турайин?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Эшиги эшигингга яқинига», — деб жавоб қилдилар.

* * *

Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Оишадан: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам оилаларида не иш билан машғул бўлардилар?» — деб сўрадим.

Оиша: «Уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлур эрдилар, намоз вақти бўлса, намозга чиқиб кетур эрдилар», — деб жавоб қилдилар».

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам: «Ҳар бир эзгу амал садақадир!» — дедилар.



*«Алпомиш»дан куйлаб берай достонлар...*

# ЮРАКНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

- Инсон организми юрак иллатларини олдиндан маълум қилади. Шу боис дард аломатларини пайқагач, дарҳол шифокорга мурожаат қилмоқ даркор.
- Башарти кўзларингиз остида (пастки киприк тагида) салқиш (шиш) пайдо бўлса, бу юрак фаолияти оқсай бошлаганлигининг далолатидир.
- Тилнинг орқа томонида пайдо бўлган кўкимтир ранг юрак томирлари заифлашганлигининг аломатидир.
- Юрак оғриғи тутишидан бир-икки кун илгари қариялар бироз оқсоқланадилар — бу юракнинг қисқариш мароми ва юрак мускуллари озуқаланишининг бузилганлиги аломатидир.
- Кечки пайт тўпиқ ва болдирларда шиш пайдо бўлса, бу ҳам юрак заифлашганлигининг белгисидир.
- Лабнинг бўзариши ёки лаб ҳошияларининг рангпар тус олиши юрак томирлари заифлашганлигидан далолат.
- Кўз қовоғининг ташқи чеккаси осилган бўлса (бу ҳолат кўпроқ семиз одамларда учрайди), бу юракнинг кўп даража ортиқча ишлаётганлиги аломатидир.
- Терининг пастки лаб билан ияк оралиғидаги қисми увишса — бу юрак инфаркти яқинлашаётганлигининг далолатидир.

# КЎЗОЙНАКНИ КИМ ЯСАГАН?

• БУ—ҚИЗИҚ

Кўзойнак пайдо бўлганидан бери жуда кўп асрлар ўтди. Рим ёзувчиси Сенека қадимий Римда кўришга ёрдам берадиган махсус нарса бўлганлигини эслатиб ўтади. Плиний деган яна бир ёзувчининг хабарига кўра, жамиятнинг олий табақалари йўнилган махсус қимматбаҳо тошлардан фойдаланганлар.

Император Нерон эса гладиаторлар урушини эумрад тош орқали томоша қилишни яхши кўрган.

1285 йили шишасоз Сальвино Армати қимматбаҳо тошдан иккита линза ясади ва кўзга тўғри келадиган қилиб шлемга (бош кийимга) осиб қўйди. Унинг ясаган линзалари биринчи кўзойнак эди.

# ҚУВВАТ ОЛУВЧИ НУР

Лазер нури гоҳ терговчи, қурувчи, алоқачи, гоҳ археолог, гоҳо жарроҳ ё биологга ёрдамчи бўлаётгани ҳақида матбуотда кўплаб маълумотлар берилмоқда. Лазер нурлари бир частотали тўлқинлардан иборат бўлади. Бу тўлқинлар фақат бир томонга йўналади, нур тарамлари бир-бирининг кучайишига кўмаклашади.

Кишилар лазер хоссасини қадим замонлардаёқ билишган. Ҳинд афсоналаридан бирида Искандар Зулқарнайн ўлимига кўринмас нурлар сабаб бўлган деб бежиз айтишмаган.

Зулқарнайн Ҳиндистонни забт этгач, ибодатхоналарнинг бирида одамнинг улуғворлиги ва авлиёлигини, ёки аксинча, гуноҳкорлигини аниқлаб берадиган тож борлигини эшитиб қолади. Шу тожни кийган одам бегуноҳ бўлса омон қолармиш, гуноҳкор бўлса, шу заҳотиёқ тил тортмай ўлармиш. Ўзининг одил, бегуноҳлигига ишонган Зулқарнайн тожни кийиб, қуёш нур сочиб турган майдонга чиқади. Йиғилганларга ўзини кўрсатиб, сўнг тожни коҳинларга қайтаради.

Сафардан юртига қайтган жаҳонгир бош оғриғидан шикоят қила бошлайди. Оғриқ кундан-кунга зўраяди ва кўп ўтмай Зулқарнайн оламдан ўтади.

Тарихий ёзувларнинг шоҳидлик беришича, Искандар кийган тож ёқут билан безатилган бўлиб, унинг кристаллари бошнинг қоқ тепасига қаратилган экан. Худди мана шу ёқут кристаллари қуёш нуридан қувват олувчи лазер вазифасини ўтаган экан.

**А. АЛИЕВ**
*тайёрлади*

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир ўринбосари
Иззат АҲМЕДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир )
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0440. 8245 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти— 21.00
123456

